

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:

№ БД- 1.08.

2017 йил "18" 08

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



2017 йил "24" 08

ХОРИЖИЙ ТИЛ

(инглиз тили)

ФАН ДАСТУРИ

(Барча бакалавриат йўналишлари учун)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил "24" 08 даги "603" -сонли буйруғи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2017 йил "18" 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Бабаева С.Р. - ЎзМУ "Инглиз тили" кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент;
Болибекова М.М. - ЎзМУ "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси;
Назарова Д.О. - ЎзМУ "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Джумабаева Ж.Ш. - ЎзМУ «Инглиз филологияси» кафедраси мудири, ф.ф.д., доцент;
Икромхонова Ф.И. - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти "Тиллар" кафедраси мудири, доцент.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2017 йил "14" 08 даги 6 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

"Хорижий тил" фани олий маълумотли кадрларни тайёрлаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, замонавий мутахассисларни касбий фаолияти ва кундалик ҳаётида хорижий тилдан фойдаланиш учун уни ўзлаштиришга қаратилган. Олий таълимгача бўлган таълим босқичларида орттирилган билимларга таянган ҳолда олий таълим муассасасида талаба хорижий тилни янада мустаҳкам, чуқурроқ ва танлаган касбига йўналтирилган ҳолатда ўзлаштириши кўзда тутилади.

Инглиз тили фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган бўлсада талабалар инглиз тилини керакли даражада ўрганиши ёрдамида ихтисослик фанларининг хорижий манбааларидан тўғридан тўғри фойдаланиш, келгусидаги касбий фаолиятида жаҳондаги илғор техника ва технологиялар, илмий ютуқлар ва соҳа янгилекларидан бевосита хабардор бўлишига имкон яратади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Инглиз тили фанининг мақсади - талабаларнинг кўп маданиятли дунёда касбий, илмий ва маиший соҳаларда фаолият юритишларида коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифалари:

- нуткий компетенцияни ривожлантириш;
- оғзаки ва ёзма нутқда соҳавий терминларни самарали қўллаш кўникмаларини шакллантириш;
- ихтисосликка оид матн тузиш, уни таҳрир ва таҳлил қилиш малакаларини ҳосил қилиш.

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- хорижий тиллардаги гап тузилиши ва гапдаги сўзларнинг тартиби тўғрисида;
- хорижий тилларда сўзларининг услубий қўлланиши тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши*;
- хорижий тилларнинг товуш хусусиятларини, нутқ товушлари ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни;
- хорижий тиллар синтаксиси талаблари асосида мазкур тилларда тўғри гап ва боғланган матн тузишни;
- касбий терминологияни, оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини *билиш ва улардан фойдалана олиши*;

- ўз соҳаси доирасида хорижий тилда фикр ифода қилиш, илмий техник адабиётлардан фойдалана олиш *кўникмасига эга бўлиши керак*.

III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)

Нутқ мавзулари:

Қундалиқ мавзу (ўзи хақида, оиласи хақида, иш куни, севган машғулот, бўш вақтни ўтказиши ва ҳоказо).

Ижтимоий мавзу (атроф-муҳит, маиший ва касбий йўналишда ижтимоий муносабат).

Таълим мавзуси (ўқув муассасаси, ўқув қуроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг ҳозирда ўқитилиши ва ҳоказо)

Ижтимоий маданий (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иқлимий, маданий, маиший хусусиятлари).

Касбга йўналтирилган мавзу (ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюқ намоёндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва ҳоказо).

3.1. Умумий босқич

Нутқ компетенцияси

Босқичнинг асосий мақсади:

– узлуксиз таълим тизимининг аввалги босқичлари (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари)да талабалар инглиз тилида эгаллаган малака ва кўникмаларини коррекция қилиш ва тенглаштириш;

– талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулоқотга тайёрлашдан иборат.

Тинглаб тушуниш:

– маъруза, тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшиттиришлари, янгиликлар, интервьюлар, ҳужжатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар;

– реклама ва эълонлар;

– тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадий, ҳужжатли фильмлар, оммавий чиқиш ва ҳоказо);

– тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро суҳбати;

– тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

Гапириш:

Диалог нутқ

– ижтимоий мавзуларда суҳбат ва норасмий диалог;

– касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;

– мунозарани бошқариш, интервью, музокаралар ва телефон орқали мулоқот олиб бориш.

Монолог нутқ

– ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиш;

– мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;

– реклама ва махсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш қилиш;

– маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилиш.

Ўқиш:

– танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

– хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиш;

– махсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиш;

– махсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиш.

Ёзма нутқ:

– турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва махсус докладлар (эслатма CVs ва ҳоказо) ёзиш;

– эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш.

3.2. Касбга йўналтирилган босқич

Касбга йўналтирилган босқичнинг асосий мақсади:

– нутқ турлари бўйича касбий соҳада инглиз тилини амалий эгаллаш;

– талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;

– соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

Тинглаб тушуниш:

– касбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшитиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур ахборотни олиш;

– қундалиқ воқеалар хақида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қахрамонлари нутқини тушуниш.

Гапириш:

Диалогик нутқ

– тил соҳиблари билан эркин мулоқотда бўлиш ва касбий мавзуларга ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлаб бериш;

– суҳбатни бошлаш ва тугатишни билиш, суҳбатдошига таклиф ва маслаҳат бериш, саволларига жавоб бериш, ахборот алмашиш, муҳокама қилинаётган далилларни аниқлаштириш, ўқиган ёки эшитганларини муҳокама қилиш;

– матн асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик қурилмаларга асосланиб гапириб бериш;

– ассоциатив тафаккурга асосланиб мулоҳаза, танқид, баҳолаш далиллар билан исботлаш орқали ўз нутқини тузиш;

– риторик характерга эга диалог нутқ малакаларини такомиллаштириш;

– касбий мулоқотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда катнашиш учун нутқ фаолияти, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Монологик нутқ

– долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Қарши” далилларни келтирган ҳолда ўз фикрини баён қилиш;

– тингланган ва ўқиган матн мазмунини гапириш;

– мазмунга баҳо бериш;

- ўрганилган мавзулар бўйича ахборот бериш;
- ўқиган маттни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;
- ўқиган ёки тинглаган маттни қисқача мазмунини баён этиш;
- ўрганилган мавзуда чиқиш қилиш;
- ижтимоий – сиёсий матнларни ўқиб шарҳлаб бериш.

Ўқиш:

Танишув ўқиш

– маттни лугатсиз, берилган савол ёки умумий мазмунини тушуниш мақсадида ўқиш;

– матн: 10% гача нотаниш сўз бўлган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, махсус бадий матнлар;

– матн мазмунини чет тилида ёки она тилида сўзлаб бериш, параграфларни номлаш, тест топшириш.

Синчиқлаб (ўрганиб) ўқиш

– маттни асосий ахборотни ажратиб олган ҳолда мазмунини тўлиқ ва аниқ тушуниб ўқиш.

Ўқиш тезлиги, ҳажми:

– лугатдан фойдаланиб 1600 босма белгили маттни 1,0 академик соатда ўқиш;

– матн: махсус, илмий оммабоп 12% гача нотаниш сўзга эга бўлади.

Кўз югуртириб ўқиш

– матн мазмуни хусусиятларини аниқлаш;

– зарур ахборотни матндан топиш;

– сўз (матн) маъно мазмунини контекст асосида фахмлаб олиш;

– матндаги бирламчи (асосий) иккинчи даражали ахборотни ажратиш;

– матн калит сўзларини ажрата олиш;

– матн қисмларига сарлавҳа қўйиш.

Ёзма нутқ:

– касбга йўналтирилган босқичда шаклланган малакаларни такомиллаштириш;

– реферат, аннотация ёзиш техникасини такомиллаштириш;

– ҳужжатларни расмийлаштиришни билиш (тузилиши, услуби, ҳужжат тили) ва у асосида ҳужжатларни намунага қараб, схемага кўра, клише ва фразаларни қўллаб, ахборотни ҳисобга олиб, иш юритиш вазиятлари талабларига мос равишда расмийлаштириш;

– берилган мавзуда баён, эссе, резюме тузиш, соҳага оид адабиётлар бўйича реферат ёзиш.

3.3. Грамматик компетенция

Актив грамматик минимум:

– от, отларда сон, келишиқ, артикл;

– сифат, сифат даражалари;

– олмош;

– феъл;

– мажхуллик нисбати;

– дарак, сўрок, инкор содда гапларнинг қўлланилиши;

– гапларда сўз тартиби;

– сўрок гаплар;

– буйрук майлидаги инкор гаплар, қўшма тўлдирувчининг қўлланилиши;

– шарт майлининг қўлланилиши;

– and, but боғловчили қўшма гапларни қўлланилиши;

– if, that because, when, before, as soon as, till, until, after боғловчили эргашган қўшма гапларни қўлланилиши;

– боғловчили эргашган қўшма гапларнинг барча турларини қўллаб олиш;

– иборали феълларни қўлланилиши.

Пассив грамматик минимум:

– герундий, сифатдош, равишдошли қурилмаларнинг ишлатилиши;

– герундий, сифатдош, равишдошли қурилмаларнинг ясалиши.

3.4. Сўз яшаш минимуми

Талаба янги нутқий шаклларда ўрганилаётган сўз яшаш моделлар бўйича ясалган мураккаб сўз ва нотаниш ясама сўзларнинг маъноларини мустақил аниқлай олиш лозим. Қуйидаги сўз яшаш моделларини такрорлаш лозим: v+er=n. двигател белгиси Fto design - лойихалаш -designer - лойихачи; adj+ness=n (hard - қахрли - hardness -қахрлилик); v+ing=n (to warn - огохлантирмак, warning-огохлантириш); riXfil=adj (power - куч, powerful - бақувват); adj+ish=adj (damp - нам, dampish - намчил) adj+ly=adv (firm - қаттиқ - Firmly - қаттиқ); un+adj=adj (important - муҳим, unimportant - номуҳим).

Олдин талабалар ўрганган қуйидаги сўз яшаш моделлари ҳам ўзлаштирилиши зарур. V+er=n тузилишидаги ишлаб чиқариш қуроли, асбоб, қурилма ва х.к. ни билдиради (to heat-иситиш - heater - иситгич); v+able=adj (to drink-ичмок-drinkable - ичиладиган); adj+ire=v Fcircual - думалок, circulire - думалоклаш, adj+en=v (fast-қаттиқ-to fasten-қаттикланиш); dis+v=v (to approve - маъқуллаш - to disapprove-маъқулламастик); n+n=n \a steam pipe-буғ қувуриг; конверсия бўйича мослаштирилган ва рус тилида мунтазам тузилиш - семантик мосликка эга феъллар.

Талаба қуйидаги сўз яшаш моделларини билиши ва улар асосида нотаниш ясама сўзларнинг қонуний маъносини мустақил аниқлай олиши лозим; adj+ity=n (acid-нордон - acidity - нордонлик); v+ment=n (to treat - ишлов бермок - treatment - ишлов); (grain - дон - grainy - донли); n+ed=adj (motor - мотор - motored - мотор қўйилган); n+a]=adj Fcoast veper - coastal-кирқокка тегишлиг; v+ent=adj/to differ-фарқланмок -different — фарқли; adj+ify=v - humid - намли - to humidify -намламок (n+ate-v (fraction - фракция to fractinate - молдани алоҳида фракцияларга бўлмақ \n+ize=v (rubber -резина to tubberize - резиналаш); d+v=v (to clutch - уламок; to declutch -узмок); re+v=v (to colour - буямок, - to recolour - янги ранга бўямок); over+v=v (to heat - иситмок - to overheat - қайта

иситмок); en+adj=v -large - катта to enlarge - катталаштирмок; en+n=v (circle - доира - to^ncircle - доирага олмок3; n+n=v (a boiler - room қозонхона); a'dj+n=n (a loid - speaker - овозни баландлатувчи мосламалар); adj+adj=adj Fdark-blue-зангори; n+adj-adj (heat-stable-иссиқликка чидамли; рус тилида мунтазам структурат>семантик мосликка эга бўлмаган феъл ва отлар конверсияси.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Юкори курсларда ўқув фани сифатида инглиз тили дарсларидан касбий мақсадларда уни амалда қўллашга ўтиш бўйича зарур тушунчалар берилиши керак. Олдига қўйилган мақсадга эришишда талабалар:

а) махсус фанларни ўрганишда инглиз иллага алабиётларни ўқиш малакасига эга бўлиш;

б) курс ишлари ва бакалавр битирув малакавий ишларини инглиз тилида ёзишлари мумкин;

в) инглиз тилида ўтказиладиган конференцияларда катнашиши мумкин;

г) инглиз тилида маъруза ва маълумотлар тайёрлашлари мумкин.

Инглиз тили дарсларида қўлланиладиган топшириқлар талабаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериб, махсус фанларни ўрганишда ҳам зарурий фикрлаш фаолиятини шакллантириш учун замин яратади.

Инглиз тили фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усулларнинг мавзуга мос танланиши ва қўлланилиши дарс самарасини оширишга катта ҳисса қўшади.

Нутк фаолияти турлари устида ишлаш учун вақт таксимоти

Қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир дарсда нутк фаолияти турлари қуйидаги нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқ:

тинглаб тушуниш	- 25% ;
гапириш	- 30%;
ўқиш	- 25%;
ёзув	- 20% .

V. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Инглиз тили фанидан мустақил ишларининг мақсади - талабаларнинг касбий коммуникатив фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг ижодий фаолиятини ўстириш, ва инглиз тили устида мустақил ишлай олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Талабаларнинг мустақил ишлари нутк фаолиятининг қуйидаги турлари бўйича ташкил қилинади.

Ўқиш: (танишиб чиқиш, синчиклаб, қараб чиқиш), ёзув, тинглаб тушуниш ва гапириш;

Тинглаб тушуниш: ҳажми турлича бўлган аудио- ва видео матнларни тинглаб тушуниш, саволларга жавоб бериш, гапириб бериш, аннотация ёза олиш;

Гапириш: талабаларнинг диалогик ва монологик нутқлари бўйича мустақил ишлари аудиторияда ўргатилган матнлар, ўқув материаллари асосида ташкил қилинади. Гапириш бўйича мустақил иш сифатида мавзу асосида маълумот тайёрлаш, матн мазмунини гапириб бериш, ўрганилган лексик материаллар асосида ҳикоялар тузиш, берилган муаммоли масала ва вазиятларни муҳокама қилиш каби топшириқлар бериш мумкин. Гапириш кўникмаларини ривожлантириб бориш учун мультимедиа дастурларини ва онлайн технологияларини қўллашга асосий эътибор қаратилади;

Ўқиш: талаба ўрганаётган соҳасига оид алабиётлар билан танишиб чиқиши ва ўзи учун кизикарли ва керакли бўлган ахборотни тушуниши, публицистик, илмий-оммабоп ижтимоий-сиёсий алабиётларни ўқиши ва керакли ахборотни олиши лозим.

Машғулотларда юкорида айтилган малака ва кўникмаларни шакллантириш ва ўстириш жуда мураккаб бўлганлиги учун уларни мустақил иш жараёнида синчиклаб, қўз югуртириб, қараб чиқиб ўқиш турлари орқали ташкил қилинади. Ушбу ўқиш турларини назорат қилиш-матнни бутунлай таржима қилиш ёки унинг танлаб олинган қисмларини таржима қилиш билан амалга оширилади.

Ёзув. Ёзув бўйича мустақил иш ўз ичига ўрганилаётган тилда фикрни баён қила олиш ишларини олади. Бунда мустақил иш мазмунига қуйидагилар қиради:

- аннотация, реферат, резюмелар туза олиш;
- оғзаки равишда нутк ҳосил қилиш учун режа ёки тезис тузиш;
- турли хатлар, табрикнома, таклифлар, иш юзасидан хатлар туза олиш;
- ўқишга ва ишга қабул юзасидан аризалар ёза олиш;
- соҳага оид турли ҳужжатларни тўлдириш;
- баён, иншо, эсселар ёза олиш; касби бўйича иш юритиш ишларини (ёзувларини) олиб бориш.

Ўқиб таржима қилинган материаллар, курс ишлари ва рефератларда қўлланилади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзи хақида тўлиқ маълумот бериш.
2. Орзуимдаги уй.
3. Спорт.
4. Машҳур кишилар.
5. Менинг университетим.
6. Байрамлар.

